

Бангладешлик муҳаддис олим Маҳмуд Ҳасан ҳазратлари юртимизда



18:36 / 03.10.2023 1750

2023 йил 3 октябрь куни «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётига **Бангладеш** давлатидан замонамизнинг етук уламиси, муҳаддис олим **Маҳмуд Ҳасан** ҳазратлари ташриф буюрдилар. Бу зот бир вақтнинг ўзида пойтахтдаги жомеъ масжидлардан бирининг имом-хатиби ва Дакка шаҳридаги Ислоҳ билимлари университети ректори ҳамда катта муфтий лавозимида фаолият юритиб келмоқдалар.

Даставвал меҳмонлар «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётининг бош дўконига ташриф буюриб, бу ердаги диний-маърифий, адабий бадиий асарлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, шайх **Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф** раҳматуллоҳи алайҳнинг илмий мерослари ҳақида маълумотларга эга бўлдилар.



Сўнгра меҳмонлар **Islom.uz** порталининг иш фаолияти ва **Hilol Media** маркази, хусусан, тасвирга олиш майдончаси, овоз ёзиш студияси ҳамда бошқа жараёнларни кўздан кечирдилар.

Шундан сўнг азиз меҳмонлар фазилатли шайх **Муҳаммад Содик** **Муҳаммад Юсуф** томонидан асос солинган «**Hilol-nashr**» матбаа-нашриётининг босмахонасига қадам ранжида айлаб, бу ердаги китобларнинг чоп этилишига бевосита гувоҳ бўлиб, қалбларидаги илиқ

таассуротларини изҳор этдилар.



Меҳмонлар мезбонларнинг самимий ва илиқ муносабатларидан миннатдор бўлиб, бундай эътибор учун барчага ташаккур билдирдилар.